УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. 8
Гос. книжная п. палата УзССР
2- МАР 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 49 (18.526). • Сешанба, 1983 йил 1 март • Баҳоси 3 тийин.

Кеча Тошкентда, В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултой қатнашчилари республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1983 йилги социалистик мажбуриятларини якдиллик билан қабул қилдилар.

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи. Суратда: қурултой президиуми.

А. Горокрик ва Б. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН ВАТАННИ ҚУВОНТИРАМИЗ!

Республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойидан

Пахтазор ва ғаллазорларнинг қаҳрамонлари, маккажўхорикорлар, чорвадорлар, агросаноат комплекси бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари 28 февраль куни республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг анъанавий қурултойига тўпландилар.

Қурултой иштирокчилари ўтган йилги ишларни якунлаш, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг докладлари ва нутқларида баён этилган қоида ҳамда хулосалардан келиб чиқадиган талаблар асосида беш йилликнинг учинчи йили вазифаларини белгилаб олиш учун республика пойтахтига келдилар.

Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари билан бирга қурултойга олимлар, сув хўжалиги мутахассислари, саноат корхоналари, қурилишлар коллективларининг намояндалари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари — хуллас қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ишига ўзларининг фидокорона меҳнати билан ҳисса қўшаётган кишилар тўпланишди. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи залида қардош пахтакор республикалар— Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистондан келган мусофақадош дўстларнинг делегациялари ҳам бор эди.

Бу галги қурултой зўр сиёсий активлик ва меҳнат жўшқинлиги вазнитида ўтмоқда. Республиканинг қишлоқ меҳнатчилари КПСС XXVI съезди ва Пленумларининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини сабот билан турмушга татбиқ этмоқдалар. Бултур улар қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда тайёрлашни қўпайтиришда салмоқли муваффақиятларга эришдилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ажойиб меҳнат ғалабасига эришиб, ўзларининг Ватан олдидаги интернационал бурчларини шараф билан бажарган пахтакорларнинг қаҳрамонона жасорати алоҳида мақтов ва таҳсинга лойиқдир. Улар мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили билан Ватанни янада қувонтиридилар. Ҳамиша бўлганидек, қишлоқ меҳнатчиларининг ғоюшқоқлиги, маҳорати ва фидокорона меҳнати муваффақиятнинг асоси бўлди. Ўтган йили ғаллакорлар, чорвадорлар, қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари ҳам юксак кўрсаткичларга эришдилар. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати республика халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлигининг амалий натижаси мана шундай бўлди.

Ўзбекистон деҳқонлари ва чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун янги янада юксак марраларни белгиламоқдалар ва пахтачилик, ғаллачилик, чорвачиликни, бошқа тармоқларни янада юксалтиришни таъминлаш, мамлакатга имкони борича кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти бериш лозим.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб, қурултойни очди.

1982 йилнинг якунлари ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг 1983 йилги социалистик мажбуриятлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Н. Ж. Худойбердиев доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан кишилар ўтган йилги иш натижаларини батафсил таҳлил этиш билан бирга асосий диққат-эътиборни ҳали ҳал этилмаган резервларга қаратдилар, бу резервларнинг ишга солиниши пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш, КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятлироқ ҳал этиш имконини беришини уқтириб ўтдилар.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини қўпайтириш ишида қишлоқ хўжалик техникасидан, сувдан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, ўсимликларнинг ҳимоя қилишнинг химиявий ва биологик воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш катта аҳамиятга эгадир. Оқолтин район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ж. Тетуев, Ленин йўли районидаги Булённий номли агроучастка бошлиғи З. Мўминов, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси А. И. Ким, Жомбой районидаги «Москва» колхозининг бригадири З. Мўминова, СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси станокчиларининг бригадири Л. Л. Недорезов ўз нутқларида хўжаликлардаги мавжуд ҳар бир қишлоқ хўжалик машинасининг энг юксак иш унумдорлигига эришиш, чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш вақтида техниканинг бекор туриб қолишини мумкин қадар камайтириш учун барча чораларни кўриш зарурлигини таъкидладилар. Гектар унумдорлигини ошириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, қўриқ ерларга алоҳида эътибор бериш керак. Қўриқ ерлар пахта ва бошқа экинларидан мўл-кўл ҳосил бериши мумкинлигини илғор хўжаликларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Ўзбекистон олимлари кейинги йилларда яратган янги районлаштирилган навларни жорий этиш, энг қимматли ингичка толали пахта навлари экиладиган майдонларни кенгайтириш «оқ олтин» етиштиришни кўпайтиришда, пахта сифатини яхшилашда катта роль ўйнаши лозим.

Қурултойда таъкидлаб ўтилганидек, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли равишда амалга ошириш, совет кишиларининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-этиёжларини янада тўлиқроқ қондириш республика қишлоқ меҳнаткашлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу муносабат билан дон етиштиришни янада кўпайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Ўзбекистонда маккажўхоридан мўл ҳосил олиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд, республикада шу экинни етиштирувчи ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилган. Гектар бошига юз центнер ва ундан ҳам кўпроқ «қаҳрабо дон» олаётган хўжаликларнинг тажрибасини барча районларда ниҳоятда борича кенгроқ оммалаштириш керак.

Республика сабзавот, мева, узум, полиз маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятларга эга эканлиги қурултойда таъкидлаб ўтилди. Бу тармоқларни концентрациялаш ва ихтисослаштиришни янада ривожлантиришга эришиш зарур.

Қурултой қатнашчилари чорвачиликни янада ривожлантириш йўлларини муҳокама қилдилар. Томди район партия комитетининг биринчи секретари А. Елемесов, Кўндала районидаги «Чорвадор» совхозининг бош чўпони Б. Давлатов, Жиззах районидаги Жданов номли совхоз бригадири К. Йўлдошев, Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг бригадири О. Ҳамроева ва сўзга чиққан бошқа кўпгина нотиқлар республиканинг бир қанча хўжаликларида гўшт, сут, тухум, етиштиришни интенсив кўпайтириш учун ҳали барча резервлар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Вазифа чорва ва паррандаларни муттасил кўпайтириб, уларнинг маҳсулдорлигини оширишдан ҳам иборат эканлиги қайд этилди. Тармоқни саноат негизига ўтказишни тезроқ ниҳоясига етказиш, чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикаларининг қувватларидан энг кўп даражада фойдаланиш, наслчилик ишини такомиллаштириш зарур. Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, янада ривожлантирилиши, аҳолининг шахсий хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қўмаклашиш керак.

Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш асосий вазифаларнинг биридир. Алмашлаб экишни бундан буён ҳам жорий этиш, майдон бирлигидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини энг кўп даражада олиш имконини берадиган такрорий, оралиқ, аралаш экинлар майдонини кенгайтириш бу вазифани ҳал этиш йўлидир. Ем-хашак сифатини ошириш, улардан фойдаланишни яхшилаш, емнинг нобуд бўлишига барҳам бериш муҳим масала.

Қурултойда сўзга чиққан кишилар деҳқонлар билан чорвадорларнинг биринчи навбатдаги вазифалари тўғрисида гапирдилар. Экиш кампанияси яқинлашиб қолди, бинобарин, уни юксак агротехника даражасида ва энг яхши муддатларда ўтказиш керак. Чигит экишнинг илғор методларидан кенг фойдаланиш, илм-фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини жорий этиш зарур. Бу нарса чигитни дуркун ундириб олишни таъминлайди, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил тўпланиши учун замин ҳозирлайди. Қўзилатиш кампаниясини, кўкламги қурт боқишни уюшқоқлик билан ўтказиш зарур.

Қурултой қатнашчиларининг нутқларида қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Қурултойда Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ш. А. Расулзода нутқ сўзлади. У мусофақадош республикалар қишлоқ меҳнаткашларининг қардошлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлади. Социалистик мусобақанинг қудратли кучи пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтиришга, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Мақсумов қурултойда нутқ сўзлаб, шуни қайд этдики, Ўзбекистон «оқ олтин» миришкорларининг муваффақиятлари, уларнинг бой тажрибаси тожик деҳқонлари учун ҳам яхши мактаб бўлиб, пахтазорлар ҳосилдорлигини ва пахта етиштиришни кўпайтиришда уларга ёрдам бермоқда.

Туркманистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри А. Х. Хўжамуродов ўз нутқида пахтакор республикалар меҳнаткашларининг анъанавий алоқалари, қалин дўстлиги ва ўзаро ёрдами тўғрисида гапирди. У мусобақадош дўстларнинг илғор тажрибани баҳам кўришлари, меҳнатдаги беллашувлари, амалий маслаҳатлари пахта етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Қурултойда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Қурултой аҳли уни самимий қутиб олди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1983 йилги социалистик мажбуриятларини якдиллик билан қабул қилдилар. Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ меҳнаткашлари билан анъанавий социалистик мусобақани давом эттиришга қарор қилинди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, А. А. Хўжаев, Қ. К. Камолов, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, КПСС Марказий Комитети секретарининг мудири Б. М. Истомин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, Б. Р. Раҳимов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

* * *

Ўзбекистон санъат усталари қурултой қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

МОСКВАГА КЕТА ТУРИБ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан амалий дўстона визит билан СССРга келган ФРЕЛИМО партиясининг раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти маршал Самора Мойзес Машель Москвага кета туриб, 28 февраль куни Тошкентда тўхтади.

Тошкент аэропортида Мозамбик Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари кўтарилди. Самора Мойзес Машелни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэропортда мозамбиклик меҳмонларни Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари табрикладилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТИЛДИ

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР Федерал мажлисининг Раиси Алоис Индра бошчилигида Прагадан Вьетнам, Камбоджа ва Лаоса жўнаб кетаётган Чехословакия Социалистик Республикасининг делегацияси 28 февраль куни Тошкентда тўхтади.

Тошкент аэропортида Алоис Индра ва Чехословакия делегациясининг бошқа аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси А. А. Хўжаев, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

РАБОТ, 28 февраль. (ТАСС). Марокашнинг саноат шаҳри Хурибгада совет маданияти ҳафталиги зўр муваффақият билан ўтди. Бу ҳафталик программасига мувофиқ «СССР халқларининг амалий санъати ва Ўзбекистон ССР рассомларининг графикаси» экспозициялари уюштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

1982 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

Азиз ўртоқлар!

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми белгилаб берган улуғвор бунёдкорлик режаларини ижодий куч-ғайратга тўлиб-тошган, ватанпарварлик шижоати жўш урган бир вазиятда баланд руҳ билан амалга оширмоқдалар.

Республикамиз меҳнаткашлари программ ҳужжатлар—КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида ва ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантаналарда қилган докладида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг бундан бўёнги бош йўналишлари тўғрисида баён этилган қоидалар, хулосалар ва йўл-йўриқлари ўзларининг жанговар ҳаракат программаси, деб қабул қилдилар.

Республика меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликни янги зафарлар билан нишонламоқдалар. Саноат ва қишлоқ хўжалигида, транспортда, капитал қурилишда ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ўтган икки йилнинг планлари тўла ва ошириб бажарилди. Халқ фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда. Бу йил ҳам ишлар яхши бошлаб юборилди.

Республиканинг муваффақиятлари ғоят катта. Ўзбекистон ССР 1982 йилда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан сурункасига ўнинчи марта мукофотланди. Аммо олдинда янги, яна ҳам кенг ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни амалга ошириш куч-ғайратни яна ҳам кўпроқ сафарбар этишни, ички резервлар ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишни, ҳар бир участкада, ҳар бир иш жойида давлат ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни талаб этади.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўзларининг навбатдаги қурултойига яхши натижалар билан келдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турларини — пахта, don, мева-сабзавот, узум, гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл, пилла, каноп ва тамаки етиштириш ҳамда давлат йўли билан харид қилиш юзасидан 1982 йилги ҳамда беш йиллик икки йили планлари тўла ва ошириб бажарилди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида ишлаб чиқилган СССР Озиқ-овқат программасига мувофиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ва у билан боғлиқ саноат тармоқларини янада юксалтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Совет Ўзбекистони Совет Иттифоқининг асосий пахта базасидир ва шундай бўлиб қолаётганлиги ҳаммага маълум. КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати зўр ғамхўрлик қилиб ғоят катта ёрдам бераётганликлари, колхоз ва совхозлар меҳнаткашларининг фидокорона ишлари туфайли Ўзбекистонда пахтачилик юксак суръатлар билан барқарор ривожланмоқда. Кейинги уч йил мобайнида республика Ватанга 6 миллион тоннадан ғоят қимматли хом ашё етказиб бермоқда.

Ўтган йили чигит экишдан бошлаб то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар барча ишлар нақадар оғир шароитларда олиб борилганлиги ҳаммангизга маълум. Вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш, улардан кўриладиган зарарни ниҳоятда камайтириш, мўл ҳосил етиштириш ва йиғиб-териб олиш учун дала меҳнаткашлари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ҳақиқатан ҳам юксак маҳорат, уюшқоқлик ва матонат намунасини кўрсатдилар.

Шаҳар ва поселкаларнинг юз минглаб меҳнаткашлари, олий ўқув юртларининг студентлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабларнинг ўқувчилари ватанпарварлик ғайрат-шижоати билан пахтазорларга чиқдилар, ҳосилни сақлаб қолишга отландилар.

Пахта учун оғир жангда шарафли зафар қучдик. Эришилган катта ғалаба КПСС Марказий Комитетининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

6 миллион тонна пахтанинг 60 процентлан кўпроғи биринчи сортларга топширилди, бу эса 1981 йилдагига қараганда 844 минг тонна кўпдир.

Ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил олинди. Энг қимматли ингичка толали пахтадан 463 минг тонна тайёрланди. Бу шундай пахтанинг ўнинчи беш йиллигида тайёрланган ўртача йиллик ҳажмидан бир ярим баравар кўпдир.

Қўлга киритилган ғалабада республика барча областлари меҳнаткашларининг фидокорона куч-ғайратлари ўз аксини топган.

110 район, 649 колхоз, 333 совхоз пахта тайёрлаш планини бажарди.

21 районнинг меҳнаткашлари гектар бошига 40 центнердан ошириб ҳосил кўтардилар. Ғиждувон, Гурлан, Хонқа, Хива, Ленин йўли, Боғот, Беруний, Китоб районларининг пахтакорлари ҳар гектар ердан 43—46 центнерга етказиб пахта топширдилар.

Етмиш беш колхоз ва совхоз гектар бошига 45—50 центнердан ҳосил кўтарди.

1982 йил пахтачилик бригадаларининг рекорд ҳосил олиши учун оммавий ҳаракати бошланганлиги билан ҳам шонли йилдир. Биринчи марта 750 дан зиёд бригада гектаридан ўрта ҳисобда 50—60 центнер ва ундан ҳам кўпроқ пахта олди.

Қишлоқ хўжалик илғорлари, меҳнат новаторларининг ажойиб армияси ўсиб, унинг сафлари кенгайди. Бундай илғорлар ва новаторлар кўп бўлиб, бутун республика улар билан ҳақли равишда фахрланмоқда.

Азиз ўртоқлар, шонли пахтакорларга; механизаторларга, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига «Сельхозтехника», пахта тозалаш заводлари, транспорт ташкилотларининг ходимларига, қишлоқ хўжалик авиацияси учувчиларига, шаҳарлар ва поселкаларнинг меҳнаткашларига, 1982 йилги социалистик мажбуриятларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшган барча кишиларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, қурултой қатнашчилари номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Халқлар ленинча дўстлиги самаралари, пахтакор республикалар аъанавий социалистик мусобақасининг самарали натижалари республика пахтачилиги ютуқларида мужассамлашган. Бугун ҳам биз қурултой миннбаридан туриб, мамлакатнинг қардош халқларига улар бераётган сахий ва қимматли ёрдам учун яна сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Ўртоқлар!

Ўзбекистон деҳқонлари ўн биринчи беш йилликда 30 миллион тонна пахта етиштириш мажбуриятини олишган. Бинобарин эришилган даражани ҳисобга олиб, бу йил камида 6 миллион тонна пахта етиштириб давлатга сотиш, шунинг тўрт миллион тоннасини машиналар билан териб олиш керак.

Бу осон вазифа эмас. Аммо бу вазифани ҳал этиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд бўлиб, гап улардан тўлиқроқ фойдаланишда қолган.

Қолоқ районлар, колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига кўтариш — қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани каби пахтачиликда ҳам катта резервлардан биридир. Ўтган йили 301 хўжалик пахта тайёрлаш планини уддалай олмади, улар 242 минг тонна пахтани кам берди. Қолоқ хўжаликларнинг коллективлари, районларнинг раҳбарлари шу йилги планларни сўзсиз бажаришгина қолмай, 1982 йилги қарзларни ҳам узиш учун ҳамма ишни қилишлари керак.

Ҳосилдорликни бутун чоралар билан ошириш пахтачиликнинг катта резерви бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Кўпгина колхоз ва совхозларда ҳосилдорлик ҳали паст. Масалан, 1982 йилда 250 колхоз ва совхоз атиги 25 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Ҳосилдорлик бундан ҳам паст бўлган хўжаликлар мавжуд.

Янги ўзлаштирилаётган ерлардан фойдаланиш пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Маълумки, бундай ерлар вилтга чалинмаган бўлиб, уларда 108-Ф навли чигит, республиканинг шимолий зоналарида эса С-4727 навли чигит экилганида мўл ҳосил етиштириш мумкин.

Фан-техника тараққиёти ютуқларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, ғўза парваришининг Тошкент индустриал технологиясини ҳамма жойда татбиқ этиш муҳим резервлардир. Тошкент технологиясининг моҳияти механизациялаш юксак даражада бўлгани ҳолда жамики ишлар комплексини ўз вақтида ва сифатли бажаришдан иборатдир.

Конкрет тупроқ иқлим-шароитларини ҳисобга олиб, барча хўжаликларда индустриал технологияни кенг жорий этиш партия ва совет ташкилотларининг, Қишлоқ хўжалик министрлиги агросаноат бирлашмаларининг, «Главсредазирсовхозстрой»нинг, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг биринчи даражали бурчидир.

Икки ярусли шудгорлаш, тупроқни чуқур юмшатиш, туксизлантирилган чигитни кенг қаторлаб аниқ экиш, пушталарга экиш каби илғор агротехника усулларидан самарали фойдаланиш катта афзалликлар беришини колхоз ва совхозларнинг тажрибаси тасдиқлади. Ғўзани суғориш ва қатор ораларига ишлов беришнинг синалган усулларини кенг қўлланиш туфайли қимматли натижаларга эришилди. Етингарчиликдан кейин ҳосил бўладиган қатқалоқни тезда тугатиш чоралари ҳам самаралидир.

Шу билан бирга кейинги йилларнинг тажрибасини умумлаштира туриб, шуни қайд этишга тўғри келадики, кўпгина хўжаликларда агротехникани жиддий равишда бузишга йўл қўйилмоқда, бу эса талайгина ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Хўш, ана шу бузилишларнинг моҳияти нималардан иборат?

Биринчидан, табиий намликда барвақт муддатларда чигитнинг соғлом, қийғос ва тўла-тўкис ундириб олиниши таъминланмайди. Бу эса қўшимча суғоришни муқаррор талаб этади ва чигитлар кечроқ униб чиқишига олиб келади. ғўзанинг нормал ўсишини ва эрта муддатларда ҳосил тугишини кечиктиради.

Иккинчидан, экилар кун сайин пухта парвариш қилинмаслиги натижасида ғўза тупининг ўрта қисмидаги энг қимматли ҳосил тугунчалари қўплаб тўкилиб кетади.

Учинчидан, ғўза тупларининг талаб қилинадиган қалинлиги барча далаларда ҳам таъминланаётгани йўқ, жуда кўп сийракликкa йўл қўйилмоқда.

Тўртинчидан, серқатнов йўллардан олисдаги кўпгина пахтазорларни бегона ўтлар босиб кетган бўлиб, улар ғўзани нобуд қилаётганлиги кузатилмоқда.

Минерал ва органик ўғитлардан мавжуд тупроқ картограммаларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ишида зарур тартиб ҳамма жойда ҳам таъминланган деб бўлмайди. Бир қанча хўжаликларда ҳар бир килограмм тўйимли модда ҳисобига фақат 4—5 килограммдан пахта олинмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини, айниқса, сермеҳнат йиғим-терим ишларини кенг қўламда комплекс механизациялаштирмай туриб, пахтачиликда муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Бу — бутун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби шу тармоқни ҳам ривожлантиришнинг бош йўлидир. Бу соҳада каттагина муваффақиятларга эришилганлиги маълум. Ҳозир хўжаликларда 35 мингтадан кўпроқ пахта териш машинаси бор. Техникани яхши эгаллаб олган тажрибали механизатор кадрлар етишди. Бутун ниҳоятда ноқулай шароитларда Тошкент областида ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машиналар билан йиғиштириб олинди. Республиканинг юзлаб механик-ҳайдовчилари 300—350 тоннадан пахта териб бердилар.

Аммо ҳали ғўза парвариши жараёнларини механизациялаш масалалари ҳамма жойда ҳам диққат марказида турибди, деб бўлмайди. Жумладан, ўтган йили бир қанча районларда механизмлар ёрдамида пахта териш ҳажми сезиларли даражада пасайганлиги шундан далолат беради. Масалан, Пешку, Когон, Толлимаржон, Шўрчи районларида етиштирилган ҳосилнинг атиги 10—16 проценти машиналарда териб олинди.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш миқёси ортиб бораётганлиги муносабати билан ҳосилни тўла-тўкис йиғиштириб олиш, пахтани яруслар бўйича сифатли териш чигитнинг шикастланишини ва пахтанинг булганишини камайтириш, ерга тўкилган пахтани йиғиштириб олиш имконини берадиган анча такомиллаштирилган универсал ва комбинацияланган пахта териш машиналари яратишни жадаллаштириш керак бўлур эди.

Ҳосилни пухта ҳимоя қилиш масалалари зўр эътибор берилишини талаб қилади. 200 хилдан кўпроқ қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва 20 хил касаллик ғўзага зарар етказиши ҳисоблаб чиқилган. Уларга қарши қатъий кураш олиб борилиши керак. Бунда ғўза ва бошқа экинларни биологик ҳимоя қилиш методлари катта роль ўйнайди. Бу йил 3 миллион гектар ерга шу метод билан ишлов бериш кўзда тутилмоқда.

Экинларга химиявий ишлов беришни қисқартириш йўлидан дадилроқ бораверишнинг ўзи техникадан кўпроқ фойдаланиш, бу ишда самолётлардан фойдаланишни чеклаш лозим, бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланишини анча камайтиради.

Алмашлаб экишни жорий қилиш тупроқ унумдорлигини оширишнинг, мўл ҳосил олишнинг, чорвачилик учун ем-хашак базасини вужудга келтиришнинг ишончли воситаси эканлиги ҳаммага яхши маълум. Масалан, алмашлаб экишни тўла ўзлаштирган Бўка районининг хўжаликларининг тажрибасига асосланиш мумкин. Районда ўтган ўн йил мобайнида пахта ҳосилдорлиги 24 центнердан 37 центнерга қадар ошди, пахта етиштириш 52 минг тоннадан 80 минг тоннагача кўпайди, емхашак етиштириш 1,5 баравар ортди. Беда ҳосилдорлиги гектар бошига 208 центнерга етди. Сут етиштириш икки баравардан зиёд кўпайди.

Қишлоқ хўжалик министрлиги ўтказган анализ маълумотларига кўра, республикада пахта-беда алмашлаб экиши ёппасига жорий этилган пайтдан буён уни батамом ўзлаштирган хўжаликларда пахта ҳосилдорлигининг ўсиши гектар бошига 8—9 центнерни ташкил этди.

Айрим областлар, районлар, колхозлар, совхозларда алмашлаб экишга етарлича эътибор берилмаяпти. Шу жиҳатдан Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм областларининг кўпгина хўжаликлари жуда ҳам орқада қолмоқдалар. Бу хўжаликларда алмашлаб экиш атиги 25—45 процент агрофида ўзлаштирилган, холос.

Алмашлаб экишни жорий этиш — давлат аҳамиятига молик катта ишдир. Уни ўзлаштиришга доир ишларни шу йил батамом тугаллаш зарур.

Республикамиз партия ташкилоти пахта етиштиришни янада кўпайтириш вазифаларини ҳал эта бориб, унинг сифатини ошириш проблемасини асосий масала қилиб қўймоқда. Бу соҳада талайгина ишлар олиб борилмоқда. Толасининг хоссалари энг яхши бўлган навлар экиладиган майдонлар кенгайтирилмоқда, ингичка толали пахтанинг хиссаси кўпаймоқда.

Шу билан бирга пахта сифати масалалари ҳамон ўткир масала бўлиб қолмоқда. Умумий тайёрлов ҳажмида биринчи ва иккинчи сортлардаги пахта салмоги хозирча паст. Кейинги йилларда пахта толасининг чиқиши сезиларли даражада камайди, кўпгина пахта заводларида ишлаб чиқариш қуйидилари кўпайди. Фарғона областининг Киров районида хўжаликлари 1981 йилда тайёрлаган пахтадан (ўтган йилги ҳосил ҳали қайта ишлангани йўқ) фақат 27,6 процент тола чиқди, қуйидилар эса 8 процентдан ошиб кетди. Чироқчи, Жалолқудуқ ва Пастдаргом районларининг кўпгина хўжаликларида тайёрланган пахтадан чиқаётган тола жуда кам дир.

Агротехника талабларининг, машина терими технологиясининг бузилишига, теримчиларнинг яхши етилмаган хом пахтани теришларига йўл қўйилиши натижасида пахта сифати пасаймоқда. Кўпгина колхоз ва совхозлар тайёрлов пунктларига давлат стандарти йўл қўйиши мумкин бўлган энг юқори нормалардан хам ортиқ даражада нам ва булганган пахта элтиб бермоқдалар.

Пахтани асраш ва уни пахта заводларида қайта ишлаш пайтида йўл қўйилаётган камчиликлар унинг сифатига салбий таъсир қилмоқда. Пахта тозалаш саноати министрлиги пахта заводларининг, айниқса, янги ўзлаштирилган зоналардаги қуритиш-тозалаш цехларининг қувватларини кенгайтиришга эътиборни кучайтириши, қабул этилган пахтани имкони борича қисқа муддатларда қайта ишлашга эришиши зарур.

Уруғчиликни яхши йўлга қўйиш пахта сифатини ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Маълумки, кейинги йилларда республикада сифати яхши ва толаси мўл бўлган янги селекция навлари районлаштирилди. Бироқ, уруғчиликда катта камчиликлар бор. Навларнинг кўплиги шу камчиликлардан биридир. Масалан, бултур Андижон областида 13 та районлаштирилган ва 10 тадан кўп янги нав уруғлик чигит экилди. Умуман республикада фақат 8 та район 1 навдаги, районларнинг 60 процентдан кўпи 3—4 ва ундан ҳам кўпроқ навдаги чигитни экмоқда.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, СоюзНИХИга ҳамда илмий институтларга, республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига Жиззах, Сирдарё ва бошқа баъзи областларнинг хўжаликларида етиштирилаётган пахтанинг сифати пастлиги сабабларини чуқур ўрганиб, пахта етиштириш юзасидан илмий тавсиялар бериш топширилган эди. Аммо бу иш охирига етказилгани йўқ. Уни жадаллаштириш муҳимдир.

Пахтакорлар илмий-тадқиқот институтларидан, селекциячи олимлардан вилтга қарши курашнинг самарали усулларини топиш, вилтга чидамли, тезпишар, серҳосил ва сертола пахта навларини яратиш соҳасида янада зўр ғайрат билан иш олиб боришларидан ҳам умидвордирлар. Бизга гектар бошига 50—55 центнер ҳосил берадиган, 40 процентгача тола берадиган, чигити сермой навлар керак!

Туки тўкилган, капсуланган уруғликларни аниқ миқдорда экиш топшириқлари қатъият билан бажарилиши керак. Бу гап Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Навоий областларининг хўжаликларига, айниқса таалуқлидир. Чунки, бу областларда шу илғор усулга дурустҳаҳамият берилмаяпти. Бу жойларда ҳар йили 1 гектар ерга нормадан икки баравар кўп чигит сарф бўлмоқда. Бу эса кўп миқдорда ёг, қунжара, шелухаларнинг исроф бўлишига олиб бормоқда.

Ихтисослаштирилган пахта заводларини тасарруф этувчи «Ўзсортсемхлопкопром» бирлашмаси республикада икки йиллан бери иш олиб бормоқда. Бу заводларнинг самарали ишлашини таъминлаш, уларга уруғлиқбоп пахтани узлуксиз етиштириб бериш муҳимдир.

Ҳозир Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги ишимизнинг дастлабки баъзи якунлари ҳақида гапириш мумкин.

Ўтган йили республикамизда ҳамма турдаги озиқ-овқат экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бирмунча кўпайди, бу эса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг яхшилашга ижобий таъсир ўтказди.

Агар саккизинчи беш йилликда don етиштириш йилига ўрта ҳисобда 860 минг тоннани ташкил қилган бўлса, ҳозир 2 миллион 900 минг тоннага етказилди.

Ўтган йилнинг қийин шароитларида ғаллакорлар don тайёрлаш планини муваффақиятли уддаладилар. Ватан омборига 1 миллион тонна don топширилди. Маккажўхорикорлар, айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Кўпгина ихтисослаштирилган маккажўхорикорлик совхозлари ва бригадалари гектар бошига 100—110 центнер маккажўхори don олдилар.

Сувнинг жуда танқислигига қарамай, илғор шоликорлар ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Бу йил колхозлар, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 3 миллион тонна don етиштирилиши керак. 200 минг гектардан кўпроқ майдонда маккажўхори етиштиришнинг индустриал технологияси қўлланилади. Ҳар бир хўжалик олдида гектар бошига ўрта ҳисобда 100 центнер «наҳрабо don» ва 500 центнер кўкпоя олиш вазифаси турибди.

Шоли етиштириш агротехникасини такомиллаштириш ва унинг ҳосилдорлигини 60 центнерга етказиш зарур.

Ламмикор ва сугориладиган ерларда бугдой ҳамда арпа етиштиришни кўпайтириш, ламмикор ерларда чопиқ қилинадиган экинлар, кунгабоқар, дуккакли экинлар, полиз экинлари экишни кенг жорий қилиш лозим. Ламмикор ерлардан дуккакли ва озуқа экинлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида имкони борича яхшироқ фойдаланиш керак.

Уруғчиликдаги ишлар яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли don кўпроқ етиштириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланилмаётир. Don, шоли ва чорвачилик илмий-тадқиқот институтлари don ва озуқа экинларининг дастлабки уруғчилигини суст олиб бормоқдалар. Улар уруғчилик колхоз ва совхозларини навни янгилаш ва алмаштириш манфаатларини кўзлаб олий репродукциялардаги уруғликлар билан таъминлаш топшириқларини бажармаяптилар.

Кўпгина хўжаликлар уруғлик ғамлаб олиш топшириқларини муттасил бажармай келмоқдалар. Уруғлик don давлат йўли билан харид қилинадиган донга қўшиб топшириб юборадиган ва ўзларига зарур бўлган уруғликни давлат ресурсларидан олишга умид боғлайдиган хўжалик раҳбарлари ҳам учраб турибди. Бир қанча ғаллакор районларда кондициясиз уруғлар экилишига йўл қўйилмоқда.

Беда уруғини етиштириш 130 тадан кўпроқ хўжаликка сочиб юборилганлигига ҳам эътиборни қаратмоқ керак. Тошкент, Жиззах областлари ва Қорақалпоғистон АССР беда уруғи тайёрлаш планларини бажармаяпти. Қишлоқ хўжалиги ва Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, агросаноат бирлашмалари барча қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигида муносиб давлат тартиби ўрнатишлари лозим. Зарур миқдорда ва юқори сифатли уруғлик етиштирилиши ҳар бир районда, ҳар бир областда таъминланиши лозим.

Озиқ-овқат программасига мувофиқ республикада аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашни яхшилаш соҳасида катта иш қилинмоқда. Ялпи сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева ва узум ҳосили ўтган ўн йил мобайнида икки баравардан зиёд кўпайди. Шу беш йилликнинг охирига бориб, бу маҳсулотларни етиштириш 6 миллион тоннадан ошиб кетиши керак. Бу эса аҳоли жон бошига шу маҳсулотларни истеъмол қилиш даражасини ошириш ва уни Умумиттифоқ фондига юборишни кўпайтириш имконини беради.

Сабзавоткорлар билан боғбонларнинг қурултойида уларнинг келгусидаги вазифалари муҳокама қилинади. Шу муносабат билан қуйидаги масалаларга эътиборни қаратиб ўтмоқчиман.

Республикамиз хўраки узум ва майиз етиштирувчи катта зонага айланиб бораётганлиги ҳаммага маълум. Келгусида узум етиштиришни йилига 1,5 миллион тоннага ва майиз тайёрлашни 100 минг тоннага етказиш белгиланди. Шу мақсадда 119 та ихтисослаштирилган боғдорчилик-узумчилик совхози ташкил этилди.

Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» хўраки-майизбоп нав узум берадиган токзорлар барпо этишни бу йил ниҳоясига етказишлари зарур. Боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлигини ошириш, униб чиқмаган ерларга қўшимча кўчатлар экиш, камҳосил дарахт ва токлар ўрнига серҳосил кўчатлар ўтказиш, тоғ этакларида боғдорчиликни кенг ривожлантириш ҳам керак.

Шу муносабат билан республикамизнинг ўзида етиштириш мумкин ва лозим бўлган кўп миқдордаги мевали дарахт ва ток кўчатлари, қаламчалари ва уруғликларини ҳар йили бошқа республикалардан келтириш каби нонормал аҳвол тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш лозим.

Қоқи мевага келганда, уни тайёрлашнинг саноат негизларини мустаҳкамлаш билан бир вақтда, ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир қишлоқ хонадонида қоқи мева ва майиз тайёрлашни ташкил этиш лозим.

Бу соҳадаги яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Республикамизда қадим замонлардан бери муайян маҳсулотлардан мўл ҳосил олиб келаётган зоналар бор. Олтариқ бодринги, Маргилон турши, Наманган сабзаси, Бешариқ пиёзи, Дашнобод, Қува, Варғанси анорлари, Самарқанд майизи, Риштон ўриғи, Хоразм қовуни билан донг тараттган. Бу маҳсулотларни хўжаликларда ҳам, шунингдек аҳолининг томорқа участкаларида ҳам етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш керак.

Биз сабзавоткорликни ривожлантириш билан бирга маҳсулотнинг умумий ҳажми юзасидан белгиланган планлар сўзсиз рўёбга чиқарилишигина эмас, шу билан бирга сабзавот тайёрлаш соҳасидаги ҳамма топшириқлар қатъий белгиланган турлар бўйича бажариладиган тартибни таъминлашга ҳам интилишимиз зарур. Бунда етиштирилган ҳамма ҳосилнинг тўла-тўкис сақлаб қолинишига алоҳида эътибор бериш, маҳсулотни омборларда, базаларда, савдо корхоналарида ташиш ва сақлаш вақтида нобуд бўлишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Пиллачилар ҳам масъулиятли вазифаларни ҳал этишлари керак, уларнинг бурчи бу йил камида 30 минг тонна пилла етиштириб беришдан иборат. Ҳамма жойда пилла қурти боқишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш, озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

Бу йил давлатга 320 минг тонна каноп полси ва 30 минг тонна тамаки сотилиши керак. Мўл ҳосил етиштириш соҳасида Тошкент областининг лубкорлари ва Ургут районининг тамакикорлари орттирган тажриба бу топшириқ сўзсиз бажарилишининг мустаҳкам негизидир.

Республикада сув хўжалиги қурилиши кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Беш йиллик мобайнида 485 минг гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилиши зарур. Қарши ва Жиззах даштларини жадал ўзлаштириш давом этмоқда. Толлимаржон, Туямўйин, Ҳисорак, Қорақўл вултепа сув омборларини ишга тушириш белгиланган. «Главсредазирсовхозстрой», Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Сув хўжалиги қурилиши Давлат комитети, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг ва маҳаллий органларнинг алоҳида диққат-эътибори янги ерларни комплекс ўзлаштиришга қаратилиши керак. Шу ўринда ерларни ўзлаштириш билан совхоз поселкаларини қуриш ўртасидаги мавжуд номутаносиблик камаймаётганлигини уқтириб ўтиш керак. Кўп ҳолларда янги ерлар авалгидек зарур уй-жойларсиз ва маданий-маиший объектларсиз топширилмоқда. Бу ҳол қўрқ ерлардаги хўжаликларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга халакит бермоқда.

Қорақалпоғистон АССРда, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё ва бошқа областларда қишлоқ хўжалик оборотига киритилган янги ерлар бир қисми учун сув чиқариш масалалари ҳали тўла-тўкис ҳал этилгани йўқ. Жуда қисқа муддатларда улар сув билан таъминланиши керак, бу йил бирон гектар ер ҳам экилмай қолмаслиги зарур.

Илгаридан суғориб келинаётган ва янгидан экинзорга айлантирилган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхши ҳолатда асраш актуал аҳамиятга эгадир. Бу муҳим ишда кўпгина нуқсонлар бор. Янги ерлар камчиликлар билан топширилмоқда, тўла ҳажмда зовурлар билан таъминланмаяпти. Кўпгина хўжаликларда ва районларда коллектор тармоғи, тиқ ва ётиқ зовурлар сифатининг пастлиги ва яхши ишлатилмаётганлиги, ўз вақтида тозаланмаслиги ва ремонт қилинмаслиги оқибатида улар қониқарсиз ишламоқда, суғориладиган ерлардаги шўр, сизот сувларни чиқариб юбориш таъминланмаяпти, бу эса қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Бултур сув энг тақчил келган йиллардан бири бўлди. Бу йил ҳам сув хўжалигидаги вазият жуда мураккаб бўлади, айниқса Сирдарё ҳавзасида сув кам бўлиши тахмин қилинмоқда. Амударё ва бошқа дарёларда ҳам сув етишмаслиги мумкин.

Мана шундай шароитда маҳсулот бирлигига сувни жуда оз сарфлаб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли сувчидан тортиб Мелиорация ва сув хўжалиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги министрликларининг мутахассисларигача — ҳамма поғонадаги ходимлар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш масалаларига доимо кўз-қулоқ бўлиб туришлари керак.

Иш шундай ташкил қилиниши керакки, сув кам бўлишига қарамай ҳар гектар ер, ҳар бир бригада ва хўжалик сув билан таъминланадиган бўлсин.

Ҳозир сув ресурсларини қўшимча равишда қидириб топиш ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш соҳасидаги жамики ишларни жуда қисқа муддатларда бажариш ғоят муҳимдир. Бу ишларга зарур пул ва моддий-техника воситалари ажратилган.

Аммо бу иш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек суръатда олиб борилмоқда, деб бўлмайди. Ҳали кўпгина насос станциялари ва қудуқлар ремонт қилинган йўқ, қурилаётган станциялар ва қудуқлар учун насосни ишлатишга керакли асбоб-ускуналар етказиб берилмаган. Каналларни бетонлаштириш ишлари суст ўтказилмоқда.

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», Сув хўжалиги Давлат комитети, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, агросаноат бирлашмалари бу ишларни ғоят кучайтиришлари ва оммавий суғориш бошланганча битказишлари зарур.

Ўртоқлар! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган IX пленуми «КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида 1983—1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари»ни тасдиқлади.

Беш йилликнинг қолган уч йилида ғўшт ва тухум етиштиришни 1982 йилда эришилган натижадан 1,5 баравар, сут етиштиришни эса 1,4 баравар кўпайтириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, биз 1985 йилда 950 минг тонна ғўшт, 3 миллион 440 минг тонна сут, 2 миллиард 685 миллион дона тухум етиштиришимиз керак.

Белгиланган марраларга эришиш учун бизда мустаҳкам негиз бор. Учинчи беш йилликда ва ҳозирги беш йилликнинг икки йили мобайнида колхозларда ва давлат хўжаликларида қорамоллар 612 минг бош, қўй ва эчкилар 1 миллион 275 минг бош, чўчқалар 389 минг бош, парранда 10 миллион бош қўйлади.

Маҳсулдорлик ҳам ошди. Ҳар бош сигирдан согиб олинадиган сут йилига 2564 килограммга етди. Шу кўрсаткич жиҳатидан республика 1975 йилга нисбатан мамлакатда учинчи ўриндан олтинчи ўринга кўтарилди. Ғўштга топширилиладиган молларнинг вазни ҳам кўпайтирилмоқда.

Ем-хашак базаси мустаҳкамланмоқда. 78 та ихтисослаштирилган ем-хашак ва don-чорвачилик совхози барпо этилди. Суғориладиган зонада озуқабоп экинлар экиш учун 600 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди, шундан 400 минг гектари беда поя ва айлантирилди.

Чорвачилик мустаҳкам равишда саноат негизига ўтказилмоқда. Ҳозир 180 та чорвачилик, чўчқачилик ва сутчилик комплекслари ҳамда 48 та парранда чорвачилик фабрикаси ишлаб турибди. Минглаб илғорлар ишда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Республикада янги тармоқ — чорвачилик учун машинасозлик саноати вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми ва «КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумлари қарорлари асосида 1983—1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари»ни тасдиқлади.

Ем-хашак базаси мустаҳкамланмоқда. 78 та ихтисослаштирилган ем-хашак ва don-чорвачилик совхози барпо этилди. Суғориладиган зонада озуқабоп экинлар экиш учун 600 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди, шундан 400 минг гектари беда поя ва айлантирилди.

Чорвачилик мустаҳкам равишда саноат негизига ўтказилмоқда. Ҳозир 180 та чорвачилик, чўчқачилик ва сутчилик комплекслари ҳамда 48 та парранда чорвачилик фабрикаси ишлаб турибди. Минглаб илғорлар ишда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Республикада янги

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

1982 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

Чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш йўлини изчиллик билан амалга ошириш, саноат ва хўжаликлараро комплексларни вужудга келтириш билан бирга ҳар бир колхоз ва совхозда бу тармоқни жадал ривожлантиришга эришиш керак. Уларнинг ҳаммасида ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига чорва мол боқиш ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришнинг энг мақбул нормалари даражасига чиқиб олиш лозим.

Чорвачиликдаги ҳамма планларимизнинг муваффақиятли бажарилиши пировард натижада ем-хашакнинг етарли бўлишига боғлиқ. Ҳар бир хўжаликда, районда, ҳар бир областда дағал ва ширали ем-хашакка бўлган эҳтиёжни тўлатўкис қондириш учун ем-хашак етиштириш тубдан яхшиланиши керак. Суғориладиган ерларда бутун йил давомида озуқа экинларини аралаштириб, оралатиб ва такрорий экиш жорий қилиниши зарур.

Республикада наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси барпо этилди. Бу бирлашма наслчилик ишини жуда қисқа муддатларда тубдан яхшилаши лозим.

Қорақўлчилик соҳасида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Чорва қишловини ҳеч бир нобудсиз тугаллаш, қўзилатиш кампаниясини яхши ўтказиш, кўрсаткичларнинг ўтган йилга нисбатан пасайишига йўл қўймаслик, давлатга 2 миллион 250 мингта қоракўл тери сотиш топшириғини сўзсиз бажариш, олинган ҳамма наслдан боқиб ўстириш учун қолдирилган қўзиларнинг 45 процентини ургочи қўзилар ташкил этиши керак, бу — қоракўлчиларнинг энг муҳим ишидир.

Меҳнат коллективларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликларининг роли тобора ортиб бормоқда. Республикада ҳозир икки мингталан кўпроқ мана шундай ёрдамчи хўжалик бор. Уларнинг баъзилари ишчи ва хизматчиларга йилига 25—50 килограмм ва ундан кўпроқ гўшт сотмоқда. Ҳар бир корхонанинг ўз ёрдамчи хўжалиги бўлишига эришиш керак.

Чорвачилик маҳсулоти резервларини кўпайтириш учун қишлоқ аҳолисининг имкониятларидан ҳам ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Район ижроия комитетлари, қишлоқ Советлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳар бир шахсий хўжаликда сигир, қўйлар, парранда бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак.

Балиқчилик озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг катта резервидир. Балиқ хўжалиги Давлат комитети барча балиқ хўжаликларини якин 1—2 йилда лойиҳа қуввати даражасига етказиши лозим.

Колхоз ва совхозларда, ўрмон хўжаликларида ва шахсий хўжаликларда қуёнчилик ва асаларичиликни ривожлантириш соҳасидаги ишни ҳам кучайтириш зарур.

Ўртоқлар! Агросаноат комплексини ривожлантириш борасидаги ҳамма планларимиз қишлоқдаги қурилиш билан узвий равишда боғланган. Қишлоқ қурилиши миқёси йил сайин ўсиб бормоқда. Бу йил капитал маблағ ҳажми 2 миллиард 600 миллион сўмдан ошади. Қурилиш ташкилотлари планда кўзда тутилган ҳамма ишлаб чиқариш қувватлари, шунингдек уй-жой биноларини, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший объектлар сўзсиз ишга туширилишини таъминлашга мажбурдирлар. Янги совхозларда уй-жой бинолари, водопровод қурилишини тезлаштириш, посёлкаларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш зарур.

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини, уларга савдо, маиший, медицина, коммунал ва маданий хизматни яхшилаш масалалари билан министрликлар, идоралар ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари изчил шуғулланишлари керак.

Колхоз ва совхозларнинг моддий-техникавий таъминотини янада яхшилаш ва такомиллаштириш керак, бунда фондлар юзасидан ажратилган ёғоч материаллари, цемент, металл, машина ва механизмлар, запас қисмлар, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларининг анчагина қисми етказиб берилмаётганлигини эътиборга олиш лозим. Бу ишни тартибга солиш — «Госкомсельхозтехника», Госснабнинг, Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш Давлат комитетининг, «Союзмашхлопководство», агросаноат бирлашмаларининг бурчидир.

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари оширилганлиги ва уларга устама жорий этилганлиги, хўжаликларнинг Давлат банки ссудалари юзасидан катта миқдордаги қарзи кечиб юборилганлиги ҳамда уларнинг тўлаш муддатлари узайтирилганлиги колхоз ва совхозларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга сўзсиз ёрдам беради.

Аввало бутун куч-ғайратни орқада қолаётган ҳар бир колхоз ва совхоз экономикасини юксалтиришга қаратиш керак. Ерлардан, техника воситаларидан ва бошқа асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва хўжалик ҳисобини жорий этиш — қолоқликни тугатишнинг асосий йўлларидир. Аммо айрим жойларда хўжалик ҳисобини умуман эсдан чиқариб юбордилар. Кўпгина хўжаликларда ишлаб чиқариш чиқимлари маҳсулот чиқишидан кўра кўпроқ кўпайиб бораётганлиги айни шу билан изоҳланади. Бу эса маҳсулот таннархи қимматлигининг энг асосий сабабидир. Хўжалик юритишнинг асосий принципи — чиқимларнинг қопланиши принципи бузилмоқда.

Хўжаликлардаги иқтисодий иш савиясини ошириш мақсадида ҳисоб ва ҳисоботни яхшилаш, бу ишларни механизациялаш муҳимдир.

Ҳар бир хўжаликда меҳнатни нормалаш ва ҳақ тўлаш масалаларини кўриб чиқиш, иш нормасини ўзбошимчалик билан ва асоссиз равишда камайтириш ҳамда расценкаларни ошириш фактларини тугатиш зарур.

Бригада пудратчи активроқ рағбатлантириш ва кенг ривожлантириш керак.

Колхоз ва совхозларда яшовчи меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисми ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Чунки улар томорқа участкаларидан фойдаланадилар, чорва молларини колхоз ва совхозларнинг ерларида боқадилар, бошқа неъматлардан баҳраманд бўладилар. Хўжаликларнинг раҳбарлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари хусусан янги ташкил этилган совхозларда меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга диққат-эътиборни анча кучайтиришлари керак.

Бир қанча хўжаликларда ўтказилган текшириш ва ревизиялар хўжасизлик ва исрофгарчилик сингари кўпдан-кўп фактларни аниқлади. Шу сабабли контрол-ревизия ишини кучайтириш, молиявий интизомга мунтазам риоя қилинишига эришиш, ҳар бир участкада қатъий иқтисодий тежашни таъминлаш муҳимдир.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги органлари — агросаноат бирлашмалари, уларнинг кенгашлари масъулиятли роль ўйнайдилар. Уларга кенг ҳуқуқлар берилган. Уларнинг қўлида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий воситалари бор.

Республикада 159 та район агросаноат бирлашмаси тузилди. Қорақалпоғистон АССРда ва областларда шундай бирлашмалар барпо этилди. Ўзбекистон ССР Министрларининг агросаноат комплекси масалалари билан шуғулланувчи комиссияси тузилди.

Агросаноат бирлашмаларининг кенгашлари ўз территориясидаги барча колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро ташкилотлар, қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи ташкилот ва корхоналар, қайта ишлаш саноатининг корхоналари, қишлоқда қурилиш билан шуғулланувчи пудратчи ташкилотлар фаолиятини самарали равишда мувофиқлаштириб туришлари керак.

Биз янги органларнинг ишига жуда катта эътибор беришимиз, бирлашмаларнинг кенгашлари ва аппаратлари иш услуби ҳамда методларида коллективчилик, вазифаларни ҳал этишга ташаббускорлик билан ижодий ёндашиш одати қарор топишига, шу йилнинг ўзидаёқ улар Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга катта ҳисса қўшишларига эришишимиз лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш миқёслари кенгайиб бораётган шароитда хўжалик раҳбарлари — колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари, бўлимларга, фермаларга мудирлик қилувчи мутахассисларнинг ва бригадирларнинг роли беқиёс кўтарилди. Уларнинг иқтисодий билими ва ишчанлик малакасини ошира бориш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, уларга раҳбарлик санъатини ўргатиш керак.

Республика деҳқонлари бу йил ҳал этиши лозим бўлган вазифалар бутун куч-ғайратни кўкламга ўз вақтида тайёргарлик кўришга мумкин қадар кўпроқ сарфлашни талаб қилади. Аммо бу иш ҳали ҳамма жойда ҳам кенг кўлам касб этган эмас. Машина-механизмлар тўла-тўкис ремонт қилинмаган, уруғлик ва кўчатлар тайёрланмаган, маҳаллий ўғит тўплаш ва солишда сусткашлик қилинаётган бир қанча хўжаликлар бор. Камчиликларни тезроқ тугатиш, экишга тайёргарлик ишларини жадаллаштириш, барча қишлоқ хўжалик ишларини агротехника жиҳатидан юқори савияда ўтказиш, шу тариқа 1983 йилнинг мўл ҳосилига пухта замин яратиш зарур.

Ўртоқлар! Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг шонли армияси республика партия ташкилоти раҳбарлигида социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаради ҳамда беш йилликнинг учинчи йилини белгиланган планлар ва қурултой қабул этадиган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан нишонлайди, коммунистик қурилишда янги-янги ютуқларга эришиб, Ватанни қувонтиради, деб қатъий ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

ҲАРАКАТ ВА НАТИЖАЛАР

Партия ҳаёти: бизни нималар ҳаяжонлантираётгани тўғрисидаги суҳбатлар

«Правда»да эълон қилинган «Ишимиз услуби» (1983 йил 19 февраль) мақоласи газетхонларда катта қизиқиш уйғотди. Хўш, коммунистлар ҳаракати самарадорлигини қандай ошириш мумкин? Аллақачон, бу савол кўпларни ҳаяжонлантирмоқда. Бу Иваново ва Тошкент области партия комитетлари биринчи секретарлари В. Г. КЛЮЕВ ва М. М. МУСАХОНОВлар суҳбатининг асосини ташкил этди.

Иваново ва Тошкент областлари кўп йиллардан бери мусобақалашиб келади. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида неча марталаб ғолиб чиқишган. Ташкилотчилик ва снёсий ишларда катта тажриба тўпладилар. Пахтакорлар ва тўқимачиларнинг вакиллари инқилоб шон-шуҳрати билан нурафшон бўлган биринчи Советлар диёрида ва қўёшли Ўзбекистонда учрашиб туришади. Область партия ташкилотларининг раҳбарлари ҳам учрашиб туришади, стилган муаммоларни муҳокама қилишади. Хуллас, бугунги суҳбатдошлар бир-бирларини анчадан бери яхши билишади.

* * *

В. Клюев. Мирза Маҳмудович, суҳбатимизни ишимиз ҳақида, унинг самарадорлиги тўғрисидаги фикрлашувдан бошласак. Баъзан у ёки бу партия комитети кўп ишлаётгандай кўринади. Бироқ, керакли натижаларни ололмайди. Нега? Назаримда, кучни сочиб юборади. В. И. Ленин айтганидек, самарадорликка эришиш учун асосий бўғинни тўғри ажратиб олиш муҳимдир. Ажратиб олгач эса, оммани кўтариш, уларни қўйилган масалаларни ҳал қилишга сафарбар эта олишни билиш керак.

Тўқимачилик корхоналари реконструкциясини олайлик. Биз бу ишни мана уч беш йилликдан бери амалга оширяпмиз. Ахир бизда Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган газламанинг ҳар беш метрдан бири тўқилади. Енгил саноатнинг 70 дан энёд корхонаси бор. Уларнинг аксарияти эски фабрикалардир. Айтайлик, Катта Иваново мануфактурасига 240 йил бўлди. Имкони борича унинг кучидан тўла фойдаландик. Бироқ, вақт утяпти. Олдимизда энди нима қилиш керак, деган масала кўндаланг бўлди. Янги фабрикалар қуриш керакми ёки эскиларини қайта жиҳозлаш зарурми? Реконструкция қилишга қарор бердик. Яширмайман, бу ғоянинг мухолифлари ҳам бўлди. Шунинг учун реконструкциянинг афзаллигини исботлаш, коллектив равишда ишлаб чиқилган нуқтаи назарни қаттиқ туриб ёқлашга тўғри келди.

М. Мусахонов. Афсуски, баъзи министрликлар ва идоралар ходимлари ҳамиша ҳам жойлардан берилаётган, ҳар томонлама асосланган илтимосларга оператив муносабатда бўлавермайдилар. Албатта, улар энг аввало, давлат манфаатларини ҳисобга оладилар. Баъзан эса, ҳеч тушуниб бўлмайдиган ишлар юз беради. Масалан, биз капролактам ишлаб чиқариш бўйича қувватларни барвақт ишга тушириш учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфладик. Иттифоқ министрлигида бизнинг ташаббусимизни рағбатлантиришди. Кейин эса бу қувватлар учун хом ашё ажратишни планлаштиришни «унутиб» қўйганликлари маълум бўлди. Бир хом ашё ажратилишининг планга киритилишига эришганимизга қарамай, унинг таъминотида узилишлар бўлиб турибди.

В. Клюев. Ҳа, бундай воқеалар учраб туради.

М. Мусахонов. Баъзи ўртоқлар масала ҳал қилинаётганда қаттиқ туриб олсангиз, хафа ҳам бўлишади.

В. Клюев. Бу ўринда, халқда айтилганидек, «ҳақиқат ҳамма нарсадан қимматдир». Биз фактларга асосланиб, давлатга реконструкция қилиш анча арзонга тушишини исботлаб бердик. Меҳнат қилиш учун нормал шарт-шароитларни яратиш билан бир вақтда йўл-йўлакай социал маданий-маиший муассасалар ва уй-жой қурилиши масалаларини ҳал қилиш орқали кадрларни сақлаб қололдик. Саноатда янгилик тўқимачилик касби обрў-эътибори ўсишини таъминлади. Ишлар ҳунар-техника билим юртларига, фабрикаларга кела бошладилар.

Реконструкция давомида ташкилотчилик иши соҳасида орттирилган тажриба Озиқ-овқат программасининг бир қатор масалаларини ҳал қилишга тезроқ ўтишга ёрдам берди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси билан ҳамкорликда унча бой бўлмаган Нўқоратўпроқ экинзорларимизнинг имкониятларини таҳлил қилиш учун кўпгина куч сарфладик. Ҳозир ердан янада оқилкорлик билан фойдаланишнинг, чорвачиликни ривожлантиришнинг йўллари белгилаб олинди. Халқ қурилиши усулида снгиллаштирилган конструкциялардан қисқа муддатда ўн минг тонна гўшт етиштиришга мўлжалланган «Лесная» ўрдакчилик фабрикасини, юз минг бош чўчқа боқишга мўлжалланган «Боровое» ва 54 минг бош чўчқа боқиладиган «Ворожино» комплексларини бунёд этишга муваффақ бўлдик. Пирик теплица комплекслари қурилди, эндиликда биз Иваново яқинида 32 гектарли бутун бошли ёпиқ агрошаҳарчага эга бўлиб турибмиз.

Бу муваффақиятларнинг омили нимада бўлди? Одамларни сафарбар қилишга, уларни қизиқтиришга муваффақ бўлдик. Бунда коммунистларнинг шахсий ибрати алоҳида роль ўйнади. Бизда нима бор эди? Бизда озиқ-овқат, агар таъбир жоиз бўлса, «обкомнинг» жуда муҳим қурилиши бор эди. Қолган қурилишларга таъсир қилмай ва зарар келтирмай олиб борилди. Эҳтимол, бу бошқаларга таъзирдир. Чунки, бу ерда, бу халқ қурилишларида одамлар баъзи қурилиш ташкилотларидагига нисбатан кўпроқ уюшқоқлик ва унум билан ишлашарди. Уларнинг холис ишлашларини айтмай қўя қолай. Бир сўз билан айтганда, бизнинг умумий натижалар бўйича қишлоқ бинокорларимизга РСФСР Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроғи берилганида, биз бу қарор билан келишишимиз мумкин эмаслигини айтдик. Чунки белгиланган иш ҳажмини бажаришда ҳал қилувчи нарса бинокорлар қушган ҳисса эмас, балки саноатнинг, шаҳарликларнинг улуши асосий роль ўйнаганлигини ҳар бир киши яхши биларди. Биз байроқни қайтариб бердик. Фақат шундай қилиш керак. Одамлар бизни қўллаб-қувватлашди. Бу ҳисобот маълумотларни турли йўллар билан бизнинг курсатишга ўргатувчилар учун қандай сабоқ бўлганлигини тасаввур қилиб кўринг.

М. Мусахонов. Владимир Григорьевич, сизларнинг бу соҳадаги тажрибангизни биз биламиз. Чунки у КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган. Биз ҳашар деб юритадиган халқ қурилиши усулидан фойдаланяпмиз. Мана, яқинда биз ҳам ҳаммамиз бир бўлиб жуда керакли бўлган пахта тозалаш заводини икки йил ўрнига тўрт ойда қуриб битказдик.

Сиз одамларни руҳлантириш, сафарбар қилиш ҳамма вақт муҳим деганингизда ҳақсиз.

Чорвачиликни юксалтириш билан боғлиқ ишлар ва воқеалар хотирамда шундоққина турибди. Бу йўналишда катта ишларни бошлаб юбордик. Унинг натижалари ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда: хўжаликларда қорамоллар, энг аввало, сўғин сигирлар миқдори кескин ошди. Сўнгги олти йил ичида сут етиштириш қариб икки баравар кўпайди. Бу вақтда гўшт реализация қилиш 1,8, тухум етиштириш 1,9 марта усди.

Бунга қандай эришдик? Одамлар ҳузурига йўл олдик. Нима ва қандай қилиш кераклигини биргаликда ўйладик. Энг аввало, колхозлар ва совхозларда фермаларни тиклашга, ҳар бир корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил қилишга қарор бердик. Агар таъбир жоиз бўлса, белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатдик.

Умуман олганда, агар биз партия иши самарадорлигини ошириш, иш услубини такомиллаштириш тўғрисида гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда ишни назоратни яхшилашдан бошлаш керак.

В. Клюев. Албатта, назорат ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Назорат қилиш... Муҳим, ҳал қилувчи масала. Лекин қандай қилиб назорат қилиш керак? Буни турлича амалга ошириш мумкин. Кейинги пайтларда областга кўплаб бригадалар, комиссиялар, келди... Бунда ишларнинг аҳволи таҳлил қилинди. Янги бир фикрни айтай. Бу тавсиялардир. Буларнинг ҳаммаси яхши. Ердам учун раҳмат. Аммо бу уринда бизни нима хафа қилди? Ҳар бир воқеадан кейин янги тадбирлар тузиш, янги планлар ишлаб чиқиш тўғрисидаги истаклар, ҳатто талаблар кишини ранжитади. Агар шу йўлдан борилса, у ҳолда биз ҳеч қачон кампанячиликдан, қоғозбозликдан, бюрократик иш услубидан халос бўла олмаймиз. Бу ўринда ҳамма биргаликда илгари ишлаб чиқилган, қабул қилинган тадбирлар нима учун бажарилмади, сифатли планлар нима учун қоғозда қолиб кетди, деган масалани ўйлаб кўриш, бунинг айбдорларини топиш керак эди.

Мана бу мисолни олиб кўрайлик. Реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришдан сўнг ишлаб чиқилган тадбирларга кўра, бизда газлама тўқиш 1988 йилда 550 миллион квадрат метрга етиши керак. Шунга қарамай, СССР Давлат план комитети, СССР Енгил саноат министрлиги қурилишлар рўйхатига ҳозирдаёқ 484,1 миллион сўмлик капитал маблағ ҳажмига тенг 14 та объектни киритмади. Агар зарур чора-тадбирлар зудлик билан кўрилмаса, газлама ишлаб чиқариш ўсишини анча камайтириб юборади.

М. Мусахонов. Қарорлар қанчалик сифатли ишлаб чиқилмасин, улар изчиллик ва қатъият билан амалга оширилишига муҳтождир. Фикримча, ўтказилаётган барча тадбирлар ишга хизмат қилишига қатъият билан эришишимиз зарур. Баъзан эса гўё иш қизигандай туюлади. Пленумлар, бюро мажлислари, ҳар хил семинарлар, турли-туман конференциялар ўтказилади. Қарорлар қабул қилинади. Иш эса олга силжимайди.

Биз ўзимизда у ёки бу тадбирни ўтказишдан олдин, хўш, бу тадбир бизга нима беради, деб ўз-ўзимизга савол берамиз. Эҳтимол, шу тадбирсиз ҳам ишимиз юришиб кетар. Мажлисбозлик, оғиз кўпиртиришларга қарши курашамиз. Ғапдонларни тўхтатмоқдамиз. Жонли ишни ғапбозлик билан алмаштиришни хоҳловчилар эса, афсуски, ҳали оз эмас.

Маълумки, муваффақият гарови — ташаббускорлик, ноланишдир. Бу нарса ҳар қандай ишда, айниқса, ўз моҳиятига кўра ижодий иш бўлган партия ишида жуда керакдир. Баъзи жойларда эса бунинг ўрнига ортиқча регламентация, ўюшқоқсизлик устунлик қилмоқда. Баъзи секретарлар бошқа органларнинг ўрнини алмаштириб, ҳамма ишни ўз зиммаларига оладилар, раҳбарларни мустақилликдан маҳрум қиладилар.

Биз ташаббускорлик учун майдон яратишга интилмоқдамиз. Узбекистонда пахта етиштиришнинг Тошкент технологияси деб ном олган илғор усули кенг ёйилмоқда. Ву усул ҳосилни эрта етилтириш ва ундан юқори ҳосил олишни таъминловчи тадбирлар комплексидир. Бу — механизаторлар, агрономлар, коллективлар раҳбарлари, партия ходимлари ижодидир. Область партия комитети уларнинг таклифларини системалаштирди, тажрибани кўпчилик мулкига айлантирди. Шу туфайли республика шароитида шимолий ҳисобланган бизнинг областда йилдан-йилга давлатга «оқ олтин» сотиш планларини қисқа муддатларда бажариш ва ошириб бажариш имкони туғилди.

В. Клюев. Сиз, Мирза Маҳмудович, жуда қизиқ масалани тилга олиб ўтдингиз. Албатта, партия ходимига технологияга аралашиш ғўё керакмаса ўхшайди. Аммо... Мен бунда конкрет вазиятга қараб, иш тутиш лозим, деб ўйлайман. Айтайлик, чорвачиликни интенсивлаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқа экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, улар ҳосилдорлигини кескин оширишни талаб қилиши хусусида ҳеч ким баҳслашмайди. ВАСХНИЛ олимлари колхоз ва совхозларга қора шудгорларни кенгайтиришни маслаҳат беришади. Бизнинг областда эса бундай имкониятлар деярли йўқ. Қишлоқ хўжалиги министрлигидагилар эса бунга қатъиян қаршилик кўрсатишади: галла экинзорлари камайиб кетар эмиш. Технология масаласи-чи? Унга ҳам аралашиш керакмасми?

Яхши, аралашмаймиз. Унда аҳвол нима бўлади? Яна мисол келтирай. Бизнинг областимиз зигир планини бажара олмади. Мутахассислар унинг сабабларини таҳлил этишди. Шунда ҳамма гап муддатларда эканлиги маълум бўлди. Кимки эртароқ эккан бўлса, у ҳосил олди. Кечикканлар эса, кўп нарсадан маҳрум бўлиб қолдилар.

Албатта, «назорат қилиш»нинг муҳим шакли — кадрлар танлашни яхшилашдир. Шунга эришиш керакки, ҳар бир киши тўғри қарорга кела билсин, ҳар бир киши ўз жойида топширилган ишга юксак масъулият билан чуқур ёндашсин. Бу ғап ҳамма даражадагиларга тегишли. Шу нарса таъминланган чоғда аралашиш ўз-ўзидан йўқолади. Бироқ, ҳозирча бунга эришиб бўлмаяпти. Шу туфайли область партия комитети министрликлар, идоралар бизга ағдараётган масалаларни ҳал қилишга баъзан мажбур бўляпти.

М. Мусахонов. Улар кўпинча ўзларига бўйсунувчи корхоналарнинг планларини камайтириш томонига таҳрир қилишга интилишади. Масалан, фақат 1982 йилнинг ўзида бизда 122 та корхона плани турли министрликлар ва идоралар томонидан камайтирилди. Область партия комитетининг қатъияти туфайли охир оқибатда планларнинг камайтирилишига йўл қўйилмади.

Турли йўллар билан таъсир ўтказишга тўғри келади. Зарурат туғилганда, бюро мажлисларига, пленумларга министрларни, идораларнинг раҳбарларини таклиф қиламиз. Агар улар билан умумий тил топа олмасак, республика Компартияси Марказий Комитетига мурожаат қиламиз. КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, барча бўғинларда интизомни мустаҳкамлаш, талабчанликни ошириш, инерция кучини енгиш, ишёқмас, кўзбўямачи одамлардан қатъият билан халос бўлиш керак. Область партия комитети шундай йўлни қатъийлик билан олиб боришга ҳаракат қиляпти.

В. Клюев. Сиз енгил ҳаёт ва шовқин-суронли самарадорликни яхши кўрувчи кишилар ҳовурини босиб қўйишга кўпинча тўғри келишига эътиборни қаратдингиз. Қарабсизки, бир ўртоқ, хўжалик механизмининг такомиллашмаганини баҳона қиляпти. Тўғри, бу камчилик бор, бизга уни тузатиш учун ҳали кўп иш қилишимиз даркор. Лекин шуни қарангки, хўжалик юритиш практикасидаги энг кўп қўпол хатолар, қонунлар ва шартларни бузишга кўпинча ё ўз соҳасини яхши билмайдиган кишилар йўл қўяди, баъзан эса мавжуд қийинчиликлар соясида уни қалқон қилиб, энг аввало, ўзининг тор мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Ҳақиқий, объектив қийинчиликларни баъзи учар хўжалик ходимларининг «мумкин бўлган жойдан» юлиб олишга бўлган чайқовчилик интилишидан аниқ фарқлаб олиш муҳимдир.

Бу ўринда бошлангич партия ташкилотлари янада принципиалроқ позицияда туришлари керак. Сизнинг республикангизда бўлгани каби бизнинг областда ҳам КПСС Марказий Комитетининг сўнгги қарорларидан хулоса чиқармаган коллективни тополмайсиз. Партия бу қарорларда бажарилган ишларни жуда ўткирлик ва талабчанлик билан баҳолади ва янги вазифаларни қўйди. Биз жойлардаги бошлангич партия ташкилотлари коллективларни ижодий меҳнатга тўлароқ сафарбар қилишларига интилмоқдамиз.

* * *

Суҳбат давомида бу катта проблеманинг бошқа жиҳатлари ҳам тилга олиб ўтилди. Суҳбатдошлар омма орасидаги ишларни такомиллаштириш, қабул қилинган планлар ва мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига эришиш керак, деган фикрда якдил эдилар.

Суҳбатни «Правда»нинг махсус мухбири А. ЧЕРНЯК ёзиб олди.

(«Правда», 1983 йил 27 февраль).

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

26 февраль куни СССР Маданият министрлиги коллегияси билан Маданият ходимлари касаба союзи марказий комитети президиумининг иттифоқдош республикалар маданият министрлари, маданият ва санъат муассасалари, ижодий союзларнинг раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлди.

КПСС Марказий Комитети Снёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар асосида тармоқнинг ўтган йилги якунлари ва бу йилги вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Совет маданияти ва санъатининг ривожланиш жараёнлари анализ қилинди, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришда, шу йил ва умуман беш йиллик план топшириқларини бажаришда уларнинг ролини ошириш вазифалари белгиланди. Ривожланган социализм даври маданияти ва санъатининг бош йўли — коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда актив қатнашишдан иборат эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга маданият ва санъат органлари ҳамда муассасаларининг фаолияти ҳали замонавий талабларга тўла даражада жавоб бермаётганлиги айтиб ўтилди. Онгли, чинакам социалистик давлат ва меҳнат интизомини қарор топтириш учун, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши, буржуа идеологияси ва ахлоқига қарши курашни активлаштириш зарурлигига алоҳида эътибор жалб этилди. Маданият ва санъат органлари билан муассасаларининг ишини янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми алоқа воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришдаги ихтиролари, намунали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги шаҳар телефон тармоғи бошқармасининг бош технологи Людмила Алексеевна **Агарковага**, Тошкент шаҳар телефон тармоғи бош бошқармасининг электр монтёри Назира Баратовна **Алимуҳамедовага**, Тошкент область Янгийўл алоқа узелининг почтальони Қурбонали **Арзиматовга**, Самарқанд алоқа фойдаланиш-техника узелининг монтёри Роман Зиновьевич **Кузнецовга**, Андижон шаҳар ва шаҳарлараро бирлашган телефон станциясининг телефонистаси Нина Николаевна **Любкивага**, Қорақалпоғистон АССР Қораўзак район алоқа узелининг монтёри Сарсенбой **Сеитмуратовга**, Наманган телефон-телеграф станциясининг электр монтёри Ғайбулла **Тиллабоевга**, Тошкент шаҳар Акмал Икромов алоқа узелининг почтальони Гулсунай **Ҳасановага** «**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган алоқачи**» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги системасининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан катта группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

Газета саҳифаларида

ҚУДРАТЛИ ИТТИФОҚНИ ШАРАФЛАБ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИнинг кечаги сони долзарб мавзу — ишчи ва деҳқон иттифоқининг самаралари ёритишга бағишланди. Тошкентда республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи очилиши муносабати билан эълон қилинган махсус сон саҳифаларида ишчилар, колхозчилар, партия ходимлари, маданият ва санъат намояндаларининг материаллари кенг ўрин олган. «Ассалом, деҳқон баҳори» сарлавҳали бош мақолада пойтахт саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳиссалари ўз ифодасини топган. «Машинасозлар — қишлоққа». «Озиқ-овқат программаси — амалда». «Транспортчилар сўзи» «Фан — қишлоқ хўжалигига» сингари ранг-баранг рубрикалар остида эълон қилинган материалларда агросаноат комплексининг антуал проблемалари ёритилган. «Урок ва Болга» иттифоқи — ишчи ва деҳқон иттифоқи!» умумий сарлавҳаси остида берилган материалларда саноат корхоналари коллективларининг қишлоқ хўжалигига оталиқ ёрдами, пахта комплекси хўжаликларини интенсивлаштириш муаммолари, ижодий коллективлар қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатаётган хизматларнинг кўлами ортиб бораётганлиги ҳақида ҳиной қилинган. Шаҳар ишчилари билан қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ленинча алоқалар муттасил мустаҳкамланиб, унинг самарадорлиги ошиб бораётганлиги ҳақидаги «ёл барча материалларда ўз ифодасини топган. Тошкентнинг «Оқшом» газеталари муҳим мавзуга кўл уриб, ибратли иш қилганлиги алоҳида таъкидга лойиқ.

НОН ИСРОФ БЎЛМАСИН

ТАОМНИНГ СИФАТИ

Халқимизнинг қадимий анъанаси, удуми бор. Дастурхонимизда ҳамиша нон бўлиши керак. Иссиқ овқат қанчалик тўйимли, лаззатли бўлмасин, албатта, дастурхонга нон ҳам қўйилади. Бу — ноннинг қадрини ҳам, халқимиз томонидан қадрланишини ҳам кўрсатадиган бир мисол.

Лекин нонни исроф қилмаслик, беҳуда сарфламаслик, ҳамиша эътиборимизда бўлмоғи керак. Чунки, дастурхонимиз тўкинлиги аввало нон билан ўлчанади. Дастурхонга тортилган таомлар қанчалик лаззатли бўлса, тўйимлилик даражаси, яъни биз, ошпазлар тили билан айтганда калорияси юқори бўлса, ноннинг шунча кўпроқ тежалиши табиийдир.

Биз одатда ишчилар учун комплекс овқат тайёрлаймиз. Бу комплексга суюқ, қуюқ овқат, салат ва ширинлик киради. Бундан ташқари овқатнинг хилма-хил бўлиши, ишчилар ўзлари учун маъқулларини танлаб олишлари учун яна 2—3 хил қуюқ овқат ҳозирланади. Бизнинг ишчилар ошхонамизда ҳар куни 600—650 киши овқатланади. Шуни ҳам айтиш керакки, улар икки сменада ошхонага келадилар. Биринчи сменада 400—450 киши овқатланса, иккинчи сменада 200 дан ортиқроқ киши келади. Шунча одамнинг тўйиб овқатланиши учун ҳар куни 90—100 килограмм атрофида нон оляпмиз. Меҳнатча бу жуда кўп. Биз нонни тежаш мақсадида хўрандалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Ошхонамизда нонни исроф қилмаслик тўғрисида ҳар хил шиорлар илиб қўйилган. Шунга қарамай, анча нон нобуд бўляпти. Ахир кимдир бир тишлаб қолдириб кетган бурда нонни бошқа биров истеъмол қилмайди-да.

Шунинг учун ҳам хўрандалар овқатга нон олишаётган вақтда: «Ўртоқлар, нонни керагича олинглар, агар етмаса, навбатсиз келиб олиб кетишларингиз мумкин», деб огоҳлантириб турамиз. Шунга қарамай, стол устида нонлар қоляпти. Ёз пайтларида бундай нонларни қотириб, улардан квас тайёрлашда фойдаландик. Ҳозир ҳам қолган нонларни йиғиштириб, сухари тайёрлаб қўймоқдамиз.

Энди ошхонамизда ноннинг кўп сарфланаётганлиги сабабини ҳам айтиб ўтай. Корхонада озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган магазин йўқ. Айрим ишчилар вақтни тежаш учун уйларига ошхонага келтирилган нондан олиб кетадилар. Биз ҳозирча ишчиларнинг ана шу истакларини ҳам эътиборга олишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам ҳар куни 100 килограммга етказиб нон сарфлаяпмиз.

Фақат нон эмас, бошқа таомларни ҳам исроф қилмаслик керак. Биз ҳозир ҳар куни 50 килограммга яқин таомлар чиқиндиларини бўрдоқичилик ташкилотларига топширяпмиз. Ана шу қолдиқларнинг бўлмаслиги учун биринчидан овқатнинг сифатини бутун чоралар билан яхшилаш керак. Иккинчидан, хўрандалар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Уларни кўп меҳнат сарфлаб тайёрланган таомларни тежашга ҳам ўргатиш лозим. Бу фақат биз ошпазларнинггина иши эмас, балки партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ҳам иши бўлмоғи лозим.

А. УСТАБОБОЕВ,
Янгийўл шаҳар «Лаззат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг умумий овқатланиш трестига қарашли 12-ишчилар ошхонаси мудири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1983-84 ўқув йилига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун

4 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ҳафтасига уч марта, соат 18 дан 40 минут ўтгандан бошлаб олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонлари программасига мувофиқ юқори малакали ўқитувчилар томонидан математика, физика, химия, рус тили ва адабиёти фанлари бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган шахслар, шунингдек, 10-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Тайёрлов курсларига кирувчилар институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси (10-синф ўқувчилари учун — мактабдан ариза), иш жойидан справка, 2 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда) топширадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 МАРТДА БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва шанба кунлари 17 дан 19 гача қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Абдуллаев кўчаси, 7-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизларни қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчи, қандолатчи, новвой, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, нон ёпиш саноати машина ва ускуналарни созловчилар, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесарлари (нон заводлари учун).

Ўқиш муддати — 10 синф маълумоти билан — бир йил, 8 синф маълумоти билан — 3 йил.

Билим юртига 8 синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процента миқдорида пул мукофоти оладилар.

10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди. Турли спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларига ихтисоси бўйича 3—4-разряд берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати, 21, 49-автобусларнинг «2-нон заводи» бекати).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим: сейсмик микрорайонлаштириш ва ернинг кучли ҳаракати;

кичик илмий ходимлар: сейсмик микрорайонлаштириш ва ернинг кучли ҳаракати. Ер қобиғининг замонавий ҳаракати (3 ўрин), геофизик методлар (магнит-ионосферли станция билан — 3). Тошкент сейсмология обсерсаторияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — 4 МАРТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Марказ — 12, Хуршид кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 41-38-41, 41-43-44.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

радиацион физика ва материаллушослик лабораториялари бўйича **кичик илмий ходимлар:** оптика, қаттиқ жисм физикаси, атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси (2 ўрин).

Конкурс муддати — 18 мартгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Улуғбек посёлкаси.

АКАДЕМИК И. П. ПАВЛОВ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

1983 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги бўлимга: биохимия, ички касалликлар, педиатрия, патологик физиология, хирургия, социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш;

сиртқи бўлимга: акушерлик ва гинекология, ички касалликлар, педиатрия, психиатрия, социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 703000, Самарқанд шаҳри, Фрунзе кўчаси, 18-уй, аспирантура бўлими.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари диалектик ва тарихий материализм кафедрасининг доценти И. Ҳакимовга онаси

Зуҳра ЖИЯНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги коллегияси Наманган гўшт комбинатининг директори А. С. Собировга акаси

Жобир НАЖМИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Йўл ҳаракати қоидаларини пропаганда қилишни кучайтириш, шунингдек, автомото ҳаваскорлар жамияти ташкилотлари фаолиятини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар союзи правленияси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги коллегияси ва Ўзбекистон автомото ҳаваскорлар жамияти республика Марказий Советининг Президиуми вақтли матбуотда, телевидение ва радио орқали шу йил 1 февралдан 31 декабргача йўл ҳаракати қоидаларини энг яхши пропаганда қилиш учун республика конкурси ўтказишга қарор қилдилар.

Конкурсда республика, область, шаҳар ва район газеталари, журналлар редакцияларининг, телевидение ва радио ходимлари, шунингдек барча хоҳловчилар иштирок этишлари мумкин.

Конкурс ғолиблари учун ҳар бири 200 сўмдан учта биринчи мукофот, ҳар бири 150 сўмдан учта иккинчи мукофот, ҳар бири 100 сўмдан учта учинчи мукофот ҳамда ҳар бири 50 сўмдан рағбатлантирувчи мукофот ва дипломлар белгиланди.

Конкурсга газета ва журналларнинг ҳаракат хавфсизлигига оид материаллар эълон қилинган сонлари, радиоэшиттириш текстлари ва телекўрсатув сценарийлари 1984 йил 15 январгача қуйидаги адресга юборилади:

Тошкент шаҳри, 700017, Ленин проспекти, 17-уй, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ГАИ бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

ЮТУҚЛАР КЎЗГУСИ

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан унумли фойдаланиш» экспозицияси Фарғона области кунларидан бошланди. Унда областнинг 40 дан ортиқ корхонасида тайёрланган 300 га яқин буюм бор. Айниқса, Риштондаги керамика заводида тайёрланган «Оқшом», «Баҳор» чой сервизлари, «Пахта» гулдони, «Риштон» обдастаси, кулдон, турли сувенирлар, графин, тарелка ва бошқа маҳсулотлар томошабинлар диққатини тортмоқда.

Область матлубот жамияти корхоналари кейинги йилларда чиқиндисиз ишлаш усулини ўзлаштириб, катта иқтисодий самарадорликка эришмоқда. Экспозициядан жой олган шойидан тикилган хўжалик сумкалари, аёллар фартуклари, кичик ёшдаги қизчалар учун бежирим кўйлакчалар, аёллар ва эркаклар пойабзали, дафтар муқовалари, чарм қўлқоп, «Яблочко», «Анор»,, «Райҳон», «Ўзум» деб номланган чанқовбосди ичимликлар, беҳи, ўрик, олмадан тайёрланган шарбатлар, беҳи мураббоси, консервалар бодринг, мариновкаланган пиёз ва саримсоқ пиёз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари шу корхоналар маҳсулидир.

Область меҳнаткашлари 1982 йил мобайнида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган 609,1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладилар. Шундан 9,1 миллион сўмлик маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилди. Фарғоналиклларнинг бу йилги мақсадлари ҳам чакки эмас. Шу йил охиригача 613,5 миллион сўмлик зарур маҳсулотлар тайёрланиб, шундан 11,3 миллион сўмлик маҳсулот маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан фойдаланиб ишлаб чиқарилади. 1985 йилга бориб эса чиқиндилардан тўла фойдаланилиб, улардан 16,7 миллион сўмлик зарур маҳсулотлар тайёрланади.

Фарғона области меҳнаткашларининг тежамкорлик борасида эришаётган ютуқлари намойиши 20 мартгача давом этади. 1 апрелдан бошлаб эстафетани Хоразм области қабул қилиб олади.

Қ. ЭРДОНОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ЭШИК ОЛДИ — МАЙДОНЧА

СОВРИНДОР ОИЛА

Наманганлик педагог Садриддин Тожибоев оиласида бешинчи ГТО нишондори пайдо бўлди. Биринчи синф ўқувчиси Заҳириддин «Стартларга тайёр» босқичи нормативларини бажарди. Энди Садриддин аканинг ўзи, унинг рафиқаси — мактаб кутубхоначиси Мавлуда Каримова, қизлари Мунаввар ва Муяссарлар, ўғли Заҳириддин фахрли спорт нишонларига эга. Мактабгача ёшда бўлган тўрт бола эса болалар боғчасида тарбияланмоқдалар.

Оилада бирон киши шамоллаш нималигини билмайди. Тожибоевлар ҳар куни эрталаб 1—1,5 километр масофага югуришади, дам олиш кунлари эса югуришни 3—4 километргача етказишади. Шундан кейин зарядка қилишади. Ҳовлида спорт майдончаси жиҳозланган, турник ва ҳалқалар, турли оғирликдаги тошлар ва гантеллар, арғамчилар бор. Хонадондаги кутубхонада эса спортга оид 400 дан кўпроқ китоб мавжуд.

Тожибоевларнинг оиласи мактаб ва шаҳар турнирларида қўлга киритган кўпгина спорт мукофотларига яна битта, бу сафар умумий мукофот қўшилди. «Бутун оила билан стартга» деб аталган Бутуниттифоқ сиртқи мусобақа якунларига кўра, Тожибоевлар СССР Физкультура ва спорт комитетининг ҳамда «Известия» газетаси редакциясининг дипломи билан тақдирланди. Улар Бутуниттифоқ югурувчилар кунида ўтказилган оммавий мусобақаларда қатнашганликлари учун шу мукофотга сазовор бўлдилар. Тожибоевлар «оилавий» ҳисобда шу куни Наманган областида стартга чиққан 64 минг физкультурачи орасида энг яхши натижалардан бирини кўрсатишди.

Р. БИЧУРИН,
[ЎзТАГ].



Суратларда: 1. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, ҳайкалтарош Э. Алиевнинг «Сувчи» асари. 2. Кўргазма залида.

Л. Гусеннов фотолари.

МАНГУЛИК

Ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмасида

Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихида биринчи марта беш қардош республика ҳайкалтарошлари асарларининг кўргазмаси очилди. Маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган бу кўргазмада ҳайкалтарошлик санъатининг турли жанрларидаги асарлар намойиш қилинмоқда. Унда қариб 100 ижодкор сўнгги 20 йил ичида яратилган 400 дан зиёд асари билан қатнашмоқда.

Ўзбекистон Рассомлар союзи ҳайкалтарошлик секциясининг бюро аъзолари регионал кўргазмага катта тайёргарлик кўрдилар. Республикамиз ҳайкалтарошлари мазкур кўргазманинг ташаббускорларига бўлиб қолмай, унинг ташкил этилишига ҳам катта куч-ғайрат сарфладилар.

Ҳозирги пайтда ҳайкалтарошлик Ўзбекистонда, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида муттасил ривожланмоқда, у меъморчилик билан уйғунлашиб бораётир, жамоат биноларидан ўрин олмоқда, колхоз ва совхозларнинг майдонларини безамоқда, музей экспозицияларининг таркибий қисмига айланмоқда Ҳайкалтарошликнинг ижтимоий аҳамияти жуда катта. Зеро, монументал ҳайкалтарошлик халқ бахтсаодати учун, коммунизм учун жон фидо қилган қаҳрамонларнинг, совет ва жаҳон маданияти классиклари нинг хотирасини абадийлаштиришга даъват этилгандир. Агар Октябрь революциясига қадар Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи маҳаллий халқлар орасида бирорта ҳам ҳайкалтарош бўлмаганлигини ҳисобга олиадиган бўлсак, мазкур кўргазманинг нақадар катта сиёсий, идеологик ва умуммаданий аҳамият касб этишини тасаввур этиш қийин эмас. Унда Ўзбекистондаги барча ҳайкалтарошлик коллективлари иштирок этмоқдалар.

Виставка залининг экспозицияларида кекса ҳайкалтарошлар Ф. Гришченко ва Н. Кримскалларнинг асарларини кўриш мумкин. Бу ерда Ўзбекистоннинг таниқли ҳайкалтарошларидан М. Мусабоев, Д. Рўзибоев, А. Бойматов, Х. Ҳусниддинхўжаев, Л. Рябцев, Ю. Киселёв, В. Клеванцов, И. Жабборов, Б. Шодиева, Э. Алиев, Н. Бандзеладзе, О. Азимов В. Гамбаров, Ю. Липас, Т. Тожихўжаевларнинг ёркин асарлари ҳам муносиб ўрин олган. Бу ҳайкалтарошларнинг асарларида, шунингдек, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистондан келган ажойиб санъат усталарининг асарларида замондошларимиз — илғор ишчилар, пахта усталари, қўриқ қаҳрамонлари, ижодий зиёлиларнинг энг яхши намояндалари қиёфаси ўз аксини топганки, бу нарса ҳайкалтарошларнинг халқ ҳаёти билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Ҳайкалтарош А. Бойматов ишлаган меҳнат зарбдори Т. Мамаевнинг портрети томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. Х. Ҳусниддинхўжаев яратган «Турсуной Охунова», андижонлик ҳайкалтарош Д. Миртожиевнинг «Профессор Расулов» портретлари кўпчиликни қаяжонга солмоқда.

Ўзбекистон маданиятининг бугунги равнақини кўп асрлар давомида қардош халқларимиз тўплаган ва асраб келаётган бадиий анъаналарсиз, халқ ижодиётининг бой хазинасиз тасаввур қилиш қийин. Шу боисдан ҳам ҳайкалтарошларнинг тарих мавзуига мурожаат қилишлари бежиз эмас. Абу Али ибн Синонинг образи Ўрта Осиёнинг ҳайкалтарошлигининг қимматли тажрибасига таянади. Хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Мусабоев бўлса, Форобий образини яратишда Европа академик ҳайкалтарошлигининг энг яхши анъаналарига таянган ҳолда миллий психология ва халқ эстетик ҳис-туйғуларини чуқур акс эттира олган.

Сўнгги йилларда қозоқ ҳайкалтарошларининг ижодида жиддий юксалиш кўзга ташланмоқда. Қозоқ совет ҳайкалтарошлиги асосчиларидан бири Х. Наврўзбоевнинг кўргазмага тақдим этилган «В. И. Ленин», «Ч. Валиханов» портретлари алоҳида диққатга сазовор. Л. Исаев яратган қозоқ музикасининг классиги Қурмонғози ва Николай Островский портретлари бу асарларга ниҳоятда маҳорат билан ёндашилганлигини кўрсатиб турибди. Ҳайкалтарош Е. Мергеновнинг оригинал асарлари ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

Туркманистон ҳайкалтарошлари кўргазмада ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган, лекин мавзу жиҳатидан ранг-баранг, образли ечимга эга, стилистик бой асарлар билан қатнашмоқдалар. Туркманистонда ҳайкалтарошлик 1960 йилларнинг бошларида ривожлана бошлади. Шунга қарамай, туркман ҳайкалтарошларнинг ижоди ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Биринчи туркман миллий ҳайкалтароши Д. Жумадурди кўргазмага «Муҳаббат», «Шоир» ҳамда Маҳтумқули ва А. С. Пушкиннинг портрет-рельефларини тақдим этди. Ҳайкалтарошлар Е. Ермамедов, Б. Есенгелдиев, М. Сейтмуродов, С. Ортиқмамедов, Б. Аннамуродов, М. Нуримов, Н. Отаев, С. Бобоев, А. Қораевларнинг ўзига хос оригинал ва замонавий асарлари туркманистонлик санъаткорларнинг ижоди барқ уриб ривожланаётганлигидан дарак беради.

Тожикистонлик санъаткорларнинг кўргазмага қўйилган асарлари ҳам ҳаётнинг кўп эмас. Лекин сезгир томошабин О. Охуновнинг «Афсона», «Аския», В. Одинаевнинг «Меҳнат байрами», «Кузатиш», «Гимнастиккачи қиз» асарларини мароқ ва катта қизиқиш билан кузатади. Кекса тожик ҳайкалтароши Е. Татариновнинг Валламатзода портрети айниқса ажралиб туради. Еш ҳайкалтарошлар Н. Ҳакимов ва И. Ивановларнинг замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи асарлари диққатга сазовор.

Қирғизистон ҳайкалтарошлари ижодини акс эттирувчи бўлимда ҳам одам гавжум. Бу ерда машҳур қирғиз ҳайкалтароши, Ленин мукофоти лауреати Т. Содиқовнинг «Профессор Миррахимов портрети» асари намойиш қилинмоқда. З. Ҳабибуллиннинг катта маҳорат ва юмор билан ёғочдан ишланган «Меҳнаткаш аёл» ҳайкали томошабинлар меҳрини қозонди. В. Шестопалнинг бронзадан ишланган гўзал қирғиз қизи — «Чўлпон», В. Липовнинг спортчиларга бағишланган «Қиличбозлар» композицияси ҳақида ҳам ана шундай илиқ сўзлар айтиш мумкин.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бадиий маданиятининг гуллаб-яшнаши туфайли вужудга келган мазкур кўргазма совет халқининг ўсиб бораётган эстетик ва манъавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилишга даъват этилган санъатнинг, қардош республикалар тасвирий санъатининг янада равнақ топишига ишонч уйғотади.

Р. ТОҚТОШ,
санъатшунослик доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

ХУШХАБАРЛАР

ЧОРВАЧИЛИК БИНОЛАРИ

«Узспецстрой» трестининг коллективи Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозида икки юз бош сигирга мўлжалланган янги бинони чорвадорларга белгиланганидан икки ой илгари топширди. Бу ерда сутчилик блоки, бузоқхона, озуқа цехи, мол боқиладиган майдончалар бор.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ АВЖИДА

Янгиқўрғон районида катта уй-жой массиви қурилиши бошлаб юборилди. Қурувчилар механизаторлар, пахтакорлар ва чорвадорларнинг ўн олти оиласи учун дастлабки уйни тахт қилиб қўйдилар. Беш йиллик охиригача бу ерда кўп квартирали, барча қулайликлари яратилган яна ўнта уй қад кўтаради.

Редактор
М. КОРИЕВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/III да **Кузнинг биринчи куни**, 2/III да **Юрак операцияси.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 МАРТ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — СССР Давлат мукофотининг лауреати Н. А. Логачёв билан учрашув. 10.20 — Фақат бир кун ёз бўлди. Бадиий фильм. 11.35 — Концерт. 11.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз. 16.20— Бил ва уддала. 17.05 — Объектив. 17.35 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.05 — Г. Свиридов. Туғиш булутлар. 18.30 — Спорт ҳафталиги. 19.00 — П. И. Чайковский. Болалик альбомидан. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов телетомошабинларнинг хатларига жавоб беради. 20.00 — Ф. Лист. Венгерча рапсодия № 6. 20.10 — Революция куйчиси. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Балет ҳақида. 23.35 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 —Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Физика. 10.05 ва 14.05 — Франция тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 — Всеволод Гаршин ҳақида хотиралар. 12.35 — Шахмат мактаби 13.05 — М. А. Шолохов. Очилган қўриқ. 14.35 — Менга талич нуқтасини беринг. 15.05 — География. 15.35 — Қалбим яна шеъриятга тўлиқ... 16.20 ва 18.30— Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Сиз яратган боғ. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ижир-чижирлари. Бадиий фильм. 23.10 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Зулфия — гўзал ҳаёт куйчиси. 18.05 — Фильм-концерт. 18.15 — Ўсмирлар ижоди. 18.45 — Биз — ватанпарвар-интернационалистларимиз. 19.80 — Ахборот. 19.50 — Шеърият билан учрашув. 20.30 — Ахборот. 21.00 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30—Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.25 — Табор кўкка интилади. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.30 — Москва-II.

2 МАРТ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Музикали кўрсатув. 10.45—Революция куйчиси. Бадиий фильм. 1-серия. 12.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Стадион ҳамма учун. 16.50 — Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин. 17.05 — Горничлар, қаердасиз! 17.50 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Ёшлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Илмий-оммабоп фильм. 19.40 — Концерт. 20.05—Революция куйчиси. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30—Время. 22.00—Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Танаффус пайтида (22.45) — Агар соғлом бўлай десанг. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Хайрли тонг, одамлар! 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 13.40 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Биология. 12.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 13.10 — Ўқув кўрсатуви. 14.10 — Коммунистик партия Манифести ҳақида. 14.50 — Режиссёр санъати. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 21.30 — Время. 22.00 — Қирол буғи. Бадиий фильм. 23.15 — Бирма миллий рақс ансамбли ижро этади.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Физика. 12.00 — Бойчечак. 12.30 — Химия. 17.50 — Ўзбекистонда Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг очилиши. 19.10 — КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Тошкентнинг олтин кузи. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Тошкент олтин кузининг давоми. 21.30 — Время. 22.00 — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари қурултойи залидан репортаж. 22.30 — Муҳаббатнома. Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Физика. 19.15 — Ёшларнинг ижоди ва изланиши. 19.45 — Енисейнинг ёш денгизчилари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Врач маслаҳати. 20.30 — Математика. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Тошкент тонги. 9.30 —Дўстлик байроғи. 12.10 — Ишчиномa. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Дутор тароналари. 19.20 — Ёшлик. 21.00 — Ўз ўрнидаги одам. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Бутуниттифоқ болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг очилиши ҳақида репортаж. 22.45 — Область театрлари артистлари ижро этади.



БИЗНИНГ АДРЕС
700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Р. 01826. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 49.